



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 14-may. Seshanba 58 (31.648)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Фракция сиёсий партиянинг Сайловолди дастурини амалга ошириш, гоёларини қонунларда акс эттиришда асосий кучдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг фракцияларига электорат манфаатини ишончли ҳимоя қилиш борасида қўшимча имконият ҳамда кафолатлар яратди.

Муносабат

БОШ МАҚСАД:

АВВАЛО, ИНСОННИ АСРАШ, УНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Хотира ва қадрлаш куни Президентимиз ОАВ вакиллари билан қилган суҳбатда ана шу фикр илгари сурилди

Президентимиз Ислон Каримовнинг Хотира ва қадрлаш куни билдирган фикрлари ҳар биримизни яна бир бор огоҳликка давват қилди. Ўзбекистондаги осойишталик ва изчил тараққиётни асраб-авайлаш, инсон ва унинг тинчлиги ҳақида қайғуриш ҳисси ҳар биримизнинг қалбимизга кўчди, десак муболага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, «Биз бугун қандай шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, хавф-хатарлар кучайиб бораётган нотинч замонда яшаётганимизни кузатиш ва англаш кийин эмас». Шундай экан, жаҳонда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга тўғри ва ҳолис баҳо берамай, кечаётган жараёнлардан тегишли хулоса чиқармай, «бу

таҳдидларнинг менга дахли йўқ, улар ҳақида бошқалар бош қотирсин», деган тушунча билан яшашнинг, лоқайдликнинг вақти аллақачон ўтган. Бугун кўпчиликка яхши маълумки, уруш алангаланаётган мамлакатлар аҳолиси ўзлари йўл кўйган қўпол хатоларнинг, аниқроғи бировларнинг ногорасига ўйнашининг жабрини тортапти.

(Давоми 2-бетда.)

Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!

«СУРҲОНТЕКС» МЧЖ МАҲСУЛОТЛАРИ

хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда

Жарқўрғон туманидаги ушбу корхонада бугунги кунда 400 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган сифатли, рақобатбардос ип ва калава жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнини топаётгани қувонарлидир.

— Корхонамизда йилига 4 минг тоннадан ортиқ пахта қайта ишланади, — дейди ҳамият раиси Уроқ Хайдаров. — Яқунланган йилда хорижга қарийб 12 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилга нисбатан анча кўпдир. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса қиймати 2 миллиард сўмдан ортиқ 1 минг 200 тоннага яқин ип ва калава Украина, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди.

Дарҳақиқат, хориж мамлакатларидан 700 минг долларлик сўнгги русумдаги замонавий ускуналар келтирилгани маҳсулот сифатини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Ишчи-хизматчиларга қулай шaroит яратилган, ошхона, дам олиш хонаси иш-

лаб турибди. Махсус автобус катнони йўлга қўйилган.

— Меҳнат қилаётганларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ва қишлоқ ёшлари ташкил қилади, — дейди корхона ишчиси, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси Гулчеҳра Баратова. — Ўтган йили коллеж битирувчиларидан 30 нафари сафимизга қўшилди. «Устоз-шогирд» аниқлигини давом эттирган ҳолда қизларга ўз касбининг устаси бўлишида кўмак бераёلمиз.

Яқин орада янги ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. У ишга тушиши билан корхонада гулли мато тайёрланиши баробарида 200 та янги иш ўрни яратилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт

ГОЛЛАРГА БОЙ УЧРАШУВЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари саккинчи тур учрашувариди майдонга тушди.

Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Пахтакор» — «Насаф» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ниҳоятда шиддатли ва муросасиз кечган ушбу баҳсда ўйин тақдирини 32-дақиқада пахтакорчи Владимир Козак томонидан киритилган ягона гол ҳал қилди — 1:0.

Бу йилги мавсумни бўш бошлаган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ўз муҳлисларини хурсанд қилди. Юрий Саркисян шогирдлари ўз майдонида «Гулистон» жамоасини йирик ҳисобда доғда қолдирди — 4:1.

Чемпионатнинг совринли ўринларига даъвогарлар сифа-

тида эътироф этилаётган Бек-ободнинг «Металлург» футболчилари навбатдаги галабани ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Улар аутсайдер «Қизилқум» аъзолари устидан қийинчиликсиз зафар кучди — 3:1.

Қолган ўйинларда куйидаги натижалар қайд қилинди: «Навбахор» — «Бунёдкор» — 0:3, «Шўртан» — «Олмалиқ» — 1:1, «Динамо» — «Бухоро» — 1:0.

Кеча ўтказилган «Локомотив» — «Сўғдиёна» жамоалари баҳси билан (3:1) саккинчи тур учрашуварли поёнига етди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

Фракция муҳокамаси



ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА

сиёсий партияларнинг таъсири кучаймоқда

МАЪЛУМКИ, ЯҚИНДА «ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Мазкур қонун орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, бу жараёнда фракцияларaro рақобат муҳитини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун қабул қилиб олиш тартиби янада такомиллашди, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари фаол иштирокининг процессуал механизми мустаҳкамлаб қўйилди.

(Давоми 2-бетда.)

Таажжуб

«ГАЗЕТА ЁЗСА ЁЗАВЕРСИН, ВАЗИРЛИК НИМА ДЕСА ДЕЯВЕРСИН...»

Отдан тушса ҳам эгардан тушини хоҳламайдиган амалдорлар ҳамон учраб турибди. Олтинсой тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими собиқ мудирининг хатти-ҳаракатлари бунга мисол бўла олади. Дарҳақиқат, лавозимдан озод қилинганидан сўнг унинг кўрсатган ўйинлари кишини лол қолдиради. Янаям аниқроғи ҳайратдан ёққа ушлайсиз.

→ 3

2013 йил — Обод турмуш йили

ЛОЙИҲА ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва ЮНИСЕФнинг «Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш» қўшма лойиҳасининг янги офиси очилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ж.Дельмот ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури инсон манфаатларини муҳофазалаш, оналар ва болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда юсак самаралар бераётганини таъкидлади. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида

бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

«Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш» лойиҳасидан кўзланган мақсад оналар ва болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалашга оид инновацион ишланмалардан оқилона фойдаланиш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришдан иборат.

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2008 йилдан 2011 йилгача амалга оширилди. Лойиҳа доирасида ши-

фокор ва ҳамширалар учун оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тўғри овқатланиш, санитария-гигиена масалаларига оид замонавий ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди.

Иккинчи босқич 2016 йилгача давом этади. Бу даврда қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, туғуруқхоналар ва болалар шифоналарининг врачлари, доялар ва ҳамшираларни ўқитиш режалаштирилган. Шу мақсадда бир қатор тиббиёт муассасаларида ўқув марказлари ташкил этилди.

Тадбирда мазкур лойиҳанинг аҳамияти, уни амалга ошириш чора-тадбирлари, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш масалалари хусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА муҳбири.

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ижтимоий-иқтисодий фаолликни ошириш гаровидир | → 2



ФАРФОНА:

ИНВЕСТИЦИЯ-ВИЙ САЛОҲИЯТ

хорижлик ҳамкорларни чорламоқда | → 3



МУСОБАҚА ЯҚИН, ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

| → 4



ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2013 ЙИЛ 14 МАЙДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|-------------------|---------|--------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Евро | 2712,39 | 1 Дания кронаси | 360,78 | 1 Хитой юани | 337,36 | 1 Туркия лираси | 1149,14 |
| 1 АҚШ доллари | 2073,97 | 1 БАА дирҳами | 564,67 | 1 Украина гривнаси | 259,47 | 1 Швейцария франки | 2162,41 |
| 1 Россия рубли | 66,72 | 1 Миср фунти | 298,43 | 1 Малайзия рингити | 690,86 | 10 Жанубий Корея вони | 18,58 |
| 1 Австралия доллари | 2068,16 | 1 Испания кронаси | 17,25 | 1 Польша злотийси | 647,79 | 10 Япония иенаси | 203,57 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3181,88 | 1 Канада доллари | 2047,15 | 1 СДР | 3110,69 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Фракция муҳокамаси

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА

сиёсий партияларнинг таъсири кучаймоқда

Парламент куйи палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан келиб чиқадиган вази-фалар, уларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган қонунлар лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тўғрисидаги Низом лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов** иштирок этиб, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш жараёнларида сиёсий партияларга яратиб берилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш, бу бордада масъулиятни кучайтириш талаб этилаётганини таъкидлади. Ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатиш, шу орқали партия дастурий мақсадларига эришишда барча даражадаги депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш муҳим вазифа эканига эътибор қаратди.

Таъкидлаш керакики, юқоридаги қонун билан парламент куйи палатасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини тақсимлашнинг ошқора механизми белгиланди. Яъни, энди қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун масъул кўмитани Қонунчилик палатасининг Кенгаши ўз мажлисида баъаслаҳат белгилайди. Бу ўзгариш қонун лойиҳаларини парламент муҳокамасига тайёрлаш жараёни-ни жадаллаштириш, кўмиталар иш фаолиятини янада мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

ЭНДИЛИҚДА ҚОНУНЛАР ЛОЙИХАЛАРИ МАСЪУЛ КЎМИТА БИЛАН БИРГА ФРАКЦИЯЛАР (ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲЛАРИ)ГА ҲАМ ЮБОРИЛАДИ. ҚОНУНЛАР ҲАМДА БОШҚА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИХАЛАРИНИ ФРАКЦИЯЛАР МАСЪУЛ КЎМИТА БИЛАН БИР ВАҚТДА КЎРИБ ЧИҚАДИ. МАСЪУЛ КЎМИТА УЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРИСИЗ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ЮЗАСИДАН ЎЗ ХУЛОСАСИНИ ЧИҚАРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ЭМАС.

Қонунчилик палатаси мажлисларида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш пайтида (биринчи ва кейинги ўқишларда) маърузачи фракциялар (депутатлар гу-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

руҳлари)нинг фикр ва таклифларини албатта депутатлар эътиборига ҳавола этади. Муҳокамаларда мазкур фикр ва таклифлар албатта инобатга олинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев қонун ижодкорлигининг барча босқичларида фракцияларнинг роли кучайиб, таклифларини қонун лойиҳаларида акс эттириш имконияти янада кенгайгани фракция учун муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этди. Бу ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, электрот манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича фракциянинг масъулияти, айтиш мумкин бўлса, мажбуриятини ҳам кучайтирганини таъкидлади.

ҚОНУНЛАР ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ФРАКЦИЯЛАР ТОМОНИДАН КИРИТИЛГАН ҲАР БИР ФИКР ВА ТАКЛИФНИНГ МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА ХИСОБГА ОЛИНИШИ ЎЗ НУҚТАИ-НАЗАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ФРАКЦИЯДАН КАТТА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ЭТАДИ. ЧУНКИ ЭНДИЛИҚДА ФРАКЦИЯЛАР БИЛДИРГАН ФИКР ВА ТАКЛИФЛАР ЯЛПИ МАЖЛИСДА, ШУНИНГДЕК, ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ. УЛАРНИНГ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИДА АКС ЭТИШИ ЁКИ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАСЛИГИ САБАБЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎзХДП фракцияси қонун ижодкорлигини тақомиллаштиришнинг бундай амалиётини тўғри, деб баълади ва уни амалга оширишда фаол қатнашади.

Фракция 2012 йилдаги ўз фаолиятини, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини муҳокама этиш амалиётини танқидий таҳлил қилди. Депутатлар қайд этганидек, парламентда қонун ижодкорлигини тақомиллаштириш, фракциялараро рақобат муҳитини кучайтириш янги босқичга чиқмоқда. Бугунги кунда сиёсий партияларнинг парламентдаги ўз фракциялари орқали электрот манфаати, партия дастурий мақсадлари ва вази-фаларини тўлиқ амалга ошириш имкониятлари қонунчилик билан янада мустаҳкамланди. Яъни, Қонунчилик палатасида қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилишининг барча босқичларида фракция иштирокининг процессуал механизми белгиланди. Бу, хусусан, ЎзХДП фракциясига қонун лойиҳаларини электрот манфаатлари ҳимояси нуктаи-назаридан чуқур муҳокама

қилиш, бунда партия экспертлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, электрот вакиллари ва кенг жамоатчилик фикрини ҳар томонлама ҳисобга олиш имконини беради.

Қонунга мувофиқ, Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузурида қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг кўриб чиқилишини ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилади. Унинг таркиби Қонунчилик палатаси девони ходимларидан иборат бўлади. Мазкур гуруҳ Қонунчилик палатасига киритилган қонун ва бошқа мезърий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг рўйхатини юритиши (ҳисобга олиши) ҳамда улар кўриб чиқилишининг барча босқичларини кузатиб, мувофиқлаштириб бориши керак.

Назира МАТЁҚУБОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тўғрисидаги Низом лойиҳасида белгиланишича, Олий Мажлис девонининг бирор-бир партияга мансуб бўлмаган ходимларидан тузилган мазкур гуруҳ қонун лойиҳалари муҳокамаларининг барча босқичларида ҳолис ва адолатли кузатушни таъминлайди. Қонун лойиҳалари бўйича, аъзолари сонидан қатъий назар, барча фракциялар, Экоҳаракат депутатлик гуруҳининг фикр ва таклифлари, позицияси инобатга олиниши, айниқса, ЎзХДП фракцияси учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

ФРАКЦИЯМИЗ ФИКРИГА КЎРА, БУНДАЙ ТИЗИМ ИЖТМОИЙ МУНОСАБАТЛАР МАРКАЗДА ВА ЖОЙЛАРДА ЧУҚУР ЎРГАНИЛИШИНИ, АҲОЛИ ТАКЛИФЛАРИ ТИЗИМЛАШТИРИЛИШИ ҲАМДА ИШЧИ ГУРУҲЛАРДА ПАРТИЯ ЭКСПЕРТЛАРИ БИЛАН БИРГА МУҲОКАМА ЭТИБ БОРИЛИШИНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. БУ АҲОЛИНИНГ ДЕПУТАТЛАР ОРҚАЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАМОИЛИ АМАЛГА ОШИШИНИНГ ҲАМ МУҲИМ КАФОЛАТЛАРИДАН БИРИ БЎЛАДИ.

Алишер СОДИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнларининг тақомиллашиши партия дастурий мақсадла-

рини амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилишда фракциямиз ҳуқуқларини мустаҳкамламоқда. Биз ундан самарали фойдаланиб, ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлик даражасини ошириш, шу орқали ижтимоий барқорорлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифларимизни қонунларда акс эттириш бўйича кўшимча имкониятга эга бўлдик.

Шунинг учун фракция Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тўғрисидаги Низом лойиҳасини атрофлича муҳокамадан ўтказди. Фракция аъзолари, аввало, унинг муҳимлиги ва долзарблигини таъкидлаб, мазкур ҳужжатни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, Низом лойиҳасини қонунда белгиланган мезърий асосида янада тақомиллаштириш кераклигига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, эндиликда фракция қонун лойиҳалари бўйича ўз позициясини нафақат ялпи мажлисларда, балки кўмиталардаги муҳокамаларда ҳам янада фаол иштирок этади.

ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳалари муҳокамаларида партия электрот манфаатларини албатта ҳисобга олиш, дастурий вазифаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ позицияларни ишлаб чиқиш ва уларни қатъий ҳимоя қилиш зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда қатнашган партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари ва экспертлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти мувофиқлигини инобатга олган ҳолда, дастлабки синов муддати билан тузиларди. Айни пайтда меҳнат қонунчилигига киритилаётган ўзгариш таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Миллий қонунчилигимизга асосан меҳнат шартномаси ходимнинг ишга лаёқати, ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда, дастлабки синов муддати билан тузиларди. Айни пайтда меҳнат шартномаси тузилаётганда дастлабки синов муддати белгиланмаслигини назарда тутмоқда. Бу эса мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни қўллаб-қувватлашда давлат ва жамият гамҳўрлигининг яна бир намунаси.

Шулар асосида мажлисда **ЎзХДП фракцияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонундан келиб чиқадиган вази-фаларни бажариш бўйича зарур чоралар дастури қабул қилинди.**

Унда қонун лойиҳалари ҳамда Давлат бюджетни лойиҳалари фракцияда кўриб чиқилиши тартибларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўлиб тутилган. Шу билан бирга, дастурда фракция фаолиятига доир ички ҳужжатларни тақомиллаштириш, қонун лойиҳалари муҳокамаларида фракция ҳар бир аъзосининг фаол иштирокига эришиш масалалари ҳисобга олинган.

Дастури самарали амалга ошириш мақсадида фракция аъзолари ва партия экспертлари орасидан ишчи гуруҳлари тузилди.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Муносабат

ва барқарор тараққиётнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилиши билан жуда қадридлир. Президентимиз бундай сиёсат ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда барчамизга гурч-куват бағишлайдиган омил ва мезонлар ҳақида тўхталар экан, аввало, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи — юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни асраб-авайлаб келаётганимизда, деди.

Ҳақиқатан ҳам, қачон нотинч, бехаловат жойда тараққиёт бўлибди? Талотўпга жойда инсон ўзини бахтли ҳис қилади-ми? Аксинча, осойишталик бўлган, кучли давлат ҳукм сурган жойдагина ривожланиш бўлган, халқ фаровон ҳаёт кечиргани, саодатга эришган.

Президентимизнинг суҳбати моҳиятида инсонни асраш, унинг манфаатларини ҳимоялаш, унинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун кураш ғояси илгари сурилди. Дарҳақиқат, қандайдир темир-терсақлар, жонсиз тепаликлар ҳақида эмас, гап инсон ҳақида кетди. Уни улуғлаш, ҳимоялаш хусусида қайғурилади. Ҳар бир инсон ўзини бахтли ҳис қилиши учун, албатта, тинчлик керак. Тинчлик эса кўп бор таъкидланганидек, осмондан тушмайди. Жамиятда дин оғохлик, хушёрлик, халқимизнинг ўзаро аҳил ва тотувлиги, Ватанимиз тақдирини учун масъуллиқ туйғуси тинчликни асрайди, мустаҳкамлайди.

Мадамин САФАРОВ, «O'zbekiston» телерадио-канали Ижтимоий-сиёсий ва социал иқтисодий дастурлар бош муҳаррири

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ўтказган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ҳамда ёшлар қатнашди.

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

ижтимоий-иқтисодий фаолликни ошириш гаровидир



Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Таъкидлаш жоизки, юртимизда ижтимоий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш учун кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Миллий қонунчилигимизга асосан меҳнат шартномаси ходимнинг ишга лаёқати, ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда, дастлабки синов муддати билан тузиларди. Айни пайтда меҳнат қонунчилигига киритилаётган ўзгариш таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Миллий қонунчилигимизга асосан меҳнат шартномаси ходимнинг ишга лаёқати, ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда, дастлабки синов муддати билан тузиларди. Айни пайтда меҳнат қонунчилигига киритилаётган ўзгариш таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.



Учун ШОЙИМКҮЛОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:

— 2013 йилда Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан республика бўйича 972 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, Тошкент шаҳри миқёсида бу режа 81 659 тани ташкил қилади. Мазкур дастурда, хусусан, 2012-2013 ўқув йилида пойтахтимизда мавжуд 79 та касб-хунар коллежини тақомиллашган 36 719 нафар, шунингдек, 33 та олий ўқув юртлири битирувчилари бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Бу жараёнда ЎзХДП депутатлик гуруҳларидан талаб этиладиган вазифа дастур ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориш, йўл кўйилаётган суस्ताшлик ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган муҳим масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига олиб киришди. Бу йўлда ҳар бир депутат чуқур масъулиятни ҳис этиб, илчил ва самарали меҳнат қилиши керак.



Жонибек ТУРАЙЕВ, ТДТУ Геология ва кончилик иши факультети декани ўринбосари:

— Битирувчиларни иш билан таъминлаш ўқув юртлири учун ҳам муҳим вазифа саналади. Шу мақсадда қатор тадбирларни амалга оширялми. Хусусан, уч томонлама шартномалар тузиш, меҳнат ярмаркалари, корхона ва ташкилотлар билан кадрлар етказиб бериш бўйича ҳам-корлик яхши натижа берапти.

Бугунги тадбирдан қўзланган мақсад ҳам ЎзХДП депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлик орқали масаланинг янада самарали ҳал этилишига эришишдир.



Нигора ДЕҲҚОНОВА, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Ёшлар бандлиги масаласи муҳокама этилаётган бу каби тадбирлар ўз меҳнат фаолиятимизни бошлашимиз учун энг мақбул йўлни танлашимизга шароит яратмоқда. Бугун кўпгина тенгдошларимиз меҳнат қилишнинг ҳуқуқий асослари, ёшлар учун берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумот олишди. Уйлайманки, бу каби тадбирлар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалишига, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтиришга кўмаклашади.

Алишер РАВШАНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати ходими.

БОШ МАҚСАД:

АВВАЛО, ИНСОННИ АСРАШ, УНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Хотира ва қадрлаш куни Президентимиз ОАВ вакиллари билан қилган суҳбатда ана шу фикр илгари сурилди

Яқин Шарқ ва Афғонистон каби уруш оловига сўнмаётган худудлар сафига Ироқ, Судан, Миср, Ливия, Сурия, Мали каби мамлакатлар қўшилиб, нотинчлик, беқарорлик ўчоқлари йилдан-йилга кўпайиб бораётган экан, бу ҳол дунёга уйғок боқаётган, соғлом фикрли ҳар бир инсонни ташвишлантирмайдиган, ҳавотирга солмасдан қолмайди.

Тарихдан маълумки, қудратли давлатлар, империяларнинг геостратегик манфаатлари тўқнашган ҳудудлардаги халқлар кўпдан-кўп жабр чеккан, қурбонлар берган. Президентимиз суҳбат чоғида уруш жоловини ушлаб турган, шу орқали ўзининг ёвуз манфаатларини қондираётган кучлар борлигига бежиз эътибор қаратмади. Ҳозир дунёда тинчликни таъминлаш энг долзарб вазифага айланди. Чунки, турли худудларда урушнинг янги ўчоқлари пайдо бўлмоқда. Ер юзюнда яна қуролланиш пойга-си авжига чиқмоқда. Айни шу масалаларни тадқиқ қилувчи халқаро институтларнинг таҳлил-лариغا қараганда, дунёда анъанавий қурол-ярғолларнинг асосий турларини етказиб бериш ҳажми 2008-2012 йилларда 2003-2007 йилларга нисбатан 17 фоизга ўсган. Кейинги беш йил мобайнида қурол-ярғоллар глобал импортининг 47 фоизи айнан Осиё ва Океания мамлакатлари ҳис-сасига тўғри келган.

Сир эмас, жаҳонда халқларнинг даъфатан тинчини бузаёт-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ган гуруҳлар ва кучлар ўз ёвуз мақсадлари йўлида асосан ёшлардан фойдаланаяпти. Талотўплар, исёнлар иштирокчилари орасида ўша мамлакат фуқаролари билан бирга четдан ёллаб олиб келинган жангарилар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Яқинда Интернетда бир хабар тарқалди. Шу йилнинг март ойи охирида киргизистонлик бир гуруҳ ёшлар «жиход» қилиш учун Сурияга жўнаб кетган. Бу мамлакатда қандай сиёсий ўйинлар бўлаётганини, кимларнинг манфаати тўқнашганини, кимлар, нима мақсадда қон тўқаётганини бутун дунё кўриб-билиб турибди. Уруш оловини ёқаётганлар учун ўтин бўладиган қизиқ-қон, мустақил фикри шаклланмаган ёшлар керак.

Марказий Осиё минтақаси хавф-хатарлардан холи эмас. Биринчидан, заминимиз минерал ва энергетика манбаларига бой, иқкинчидан, ўта муҳим геостратегик маконда — қудратли давлатларнинг манфаатлари тўқнашган худудда жойлашган ва шу сабабли азалдан дунёнинг кучлари бу заминга эгаллик қилиш учун ўзаро курашиб келади.

Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа ўткир муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, нарқобизнес ва ички можаролар авж олган Афғонистон билан чегарадош. Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган уруш

ҳозирги кунда бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатарга айланди. Ўзбекистон мустақил давлат бўлибдики, Афғонистонда тезроқ тинчлик қарор топиши ҳақида жон койитиб келмоқда. Ислам Каримов 2008 йил апрел ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАПнинг Саммитида биринчи бўлиб афғон муаммосининг ҳар-бий ечимни йўқлигини айтиб, бунинг учун БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Ҳозирги пайтда эса бу ягона оқилона йўл эканини барча давлатлар раҳбарлари, Афғонистондаги коалицион кучлар кўмондонлари ҳам эътироф этмоқда. Давлатимиз Раҳбарининг фикрича, бу инқирозни бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келишдир. Минг афсуски, бугунги кунда Афғонистоннинг ўзидаги ва унинг таш-қарисидagi айрим кучлар ўз манфаатларини кўзлаб, можаро-ни сиёсий асосда ечишга қарши чиқмоқда.

Мана шундай ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АКШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ деб ном олган ҳарбий кучларини яқинда Афғонистон худудидан чиқариш жараёнининг бош-ланиши кутулкимоқда. Бу Афғонистонда янги қарама-қаршиликларнинг авж олишига, турли мил-лат ва элатлар ўртасидаги зид-

дият ва тортишувларни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолатда Афғонистон атрофидаги мамлакатлар худудлари ҳам кескинлик ва муаммолар келиб чиқиши эҳтимоли ортади.

Бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳақида сўз кетганда, ўтган йили Президентимизнинг қонунчилик ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилин-ганини эслаш жоиз. Мазкур Концепция дунёда халқаро ва-зият, сиёсий ва ҳарбий кучлар жойлашуви шиддат билан ўзга-раётган бир паллада қабул қилинди. Ўта мураккаб шароит-да бундай қарорга келиш учун нақадар кучли қатъият ва сиё-сий ирода зарурлиги ва муҳим-лигини англаш, ҳис қилиш муш-кул эмас.

Ўзбекистон ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидан келиб чиқиб, шундай қатъий қарорга келингани баъзи давлатларга хуш келмагани ҳам табиий. Чунки юртимизда ўз харбий база-сини жойлаштириш пайида юр-ган, Ўзбекистонни турли харбий-сиёсий блокларга фаол жалб қилмоқчи бўлган ёки ўзбек ас-карларидан ўзга юртлардаги харбий операцияларда фойда-ланмоқчи бўлган давлатлар йўқ дейсизми? Шу маънода, мазкур Концепция Ўзбекистонни турли сиёсий-ҳарбий йўли ва можаро-ларга жалб қилишга бўлган ури-нишларнинг олдини олиши, тинч

ФАРҒОНА:

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТ

хорижлик ҳамкорларни чорламоқда



Маълумки, Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Кейинги вақтда биргина Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 89 миллион доллар миқдордаги инвестиция ва кредитлар ҳисобига тубдан модернизация қилинди. Фарғона азот ишлаб чиқариш бирлашмасига қарий 95 миллион долларлик инвестиция жалб этилиши унинг салоҳияти кескин юксалишига олиб келди.

Шунингдек, охириги беш йилда «Кува-сойцемент», «Кварц», Кўқон суперфосфат, Кўқон механика заводи каби 10 дан ортик йirik саноат корхоналарида 128 миллион доллардан зиёд инвестиция маблағи сарфланиб, модернизация ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, таркибий ўзгариш ва диверсификация ҳисобидан вилоятда махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди.

Айниқса, «2013-2015 йилларда Фарғона вилояти саноат салоҳиятини ошириш Дастури» ва «Фарғона вилоятида 2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сер-

вис соҳасини ривожлантириш Дастури»нинг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга. Ушбулар асосида жами 479 та лойиҳа, жумладан, 2013 йилга 449 та лойиҳа белгиланди. 238 миллион долларлик инвестиция ўлаштирилиши орқали 10,5 мингта янги иш ўринлари яратилиши, 2147 та хизмат ва сервис шохобчалари ишга тушуши кўзда тутилган. Шу маънода яқинда «Фарғона вилоятининг инвестицион салоҳияти» мавзусидаги Халқаро бизнес форумнинг ўтказилиши бежиз эмас. Унда дунёнинг 20 га яқин мамлакатидан келган сиёсатчи, иқтисодчи, тадбиркор, ишлаб чи-

қарувчилар ва савдо агентлари иштирок этди.

Ушбу учрашувда «Индорама Кўқон» Ўзбекистон-Сингапур, «UzSungWoo» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналари раҳбарлари вилоятда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида эришган муваффақиятлари, чет эллик сармоядорлар учун яратилган қулай инвестицион муҳит ҳусусида самимий фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Меҳмонлар Ўзбекистон халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг вилоят саноат ярмаркасида иштирок этди. Ярмаркада 200 га яқин тадбиркорлик субъектлари қурилиш, энгил саноат, озиқ-овқат ва ноозик-овқат, мебель ва спорт жиҳозлари, маийш техника каби 700 дан ортик махсулотлари кўргазмаси билан қатнашди.

— Германия, Япония технологиялари асосида ишловчи корхонамизда махсулотларнинг 700 хил модели яратилган, — дейди «Бешариктекстил» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси савдо бўлими мутахассиси Акмал Муҳаммаджонов. — Ярмар-

Худудий ислохотлар

када энг сўнги рўсумдаги махсулотларимиз билан иштирок қилдик.

Форум давомида вилоятда ёқилғи энергетикаси, электротехника, кимё, энгил саноат тармоқларига кенг миқёсда хориж сармоясини киритиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан келишувлар амалга оширилди, меморандум имзоланди. Умумий суммаси 52 миллион 220 минг доллари миқдорда 43 та шартнома имзоланди. Шунингдек, 10 миллион доллар миқдорда экспорт шартномаси тузилди.

— Худудий саноат ярмаркасида нафақат хорижлик сармоядорлар, балки маҳаллий тадбиркорлар билан ҳам кўплаб шартномалар имзолангани эътиборлидир, — дейди «Чимён-Форум» МЧЖ вакили Офарин Абдурахмонов. — Хусусан, Олтиариқнинг «Файз-Бинокор» қурилиш корхонаси билан йўлак плиталари, деворлар учун керамзит бетон етказиб бериш мақсадида 420 миллион сўмлик шартнома имзоланди.

— Ўзида иқтисодиётнинг турли йўналишларини мужассам этган ушбу халқаро бизнес форум, худудий саноат ярмаркаси барчага маъқул бўлди, — дейди биз билан суҳбатда америкалик меҳмон Руди Маттон. — Махсулотларнинг ранг-баранглиги, янги технология, ускуна ва жиҳозлар кўпчилиги, тадбиркорларнинг ташаббус ва гоъялари бизда катта таассурот қолдирди. Жаҳон андозалари даражасидаги махсулотлар, замонавий дастгоҳ ва технология ускуналар намойиши юртингизда инвестициявий салоҳият юқори эканидан далолатдир.

Дарҳақиқат, фарғоналик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати, дизайни, табиий тоза хомашёси жиҳатидан ҳар қандай хориж махсулотларидан қолишмайди. Бу ҳам диёримизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратишга жиҳдий эътибор қаратилаётгани самараси эканининг яна бир тасдиғидир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Таажжуб

«ГАЗЕТА ЁЗСА ЁЗАВЕРСИН, ВАЗИРЛИК НИМА ДЕСА ДЕЯВЕРСИН...»

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги бир гуруҳ ўқитувчиларнинг туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари ва тумандаги таълим муассасаларидаги муҳит ҳақида таҳририятимизга ёзган шикоят аризаси вилоятдаги муҳбиримиз Абдумалик Хайдаров томонидан ўрганилиб, танқидий мақола тайёрланди.

Айрим мулоҳазалар билан ушбу мақола чоп этилмасдан Халқ таълими вазирлиги эътиборига ҳавола қилинди. Вазир ўринбосари А.Холбеков имзоси билан келган жавоб хатида мазкур ҳолат вазирлик мутахассислари томонидан жойида атрофчила ўрганилгани ва ўрганиш натижасига кўра, мудири Юсупов Бахтиёр Пайзиевичнинг иш фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун эггаллаб турган лавозимидан озод этилгани қайд қилинган.

Жавоб хати газетамизнинг жорий йил 4 апрель сонидан эълон қилинди. Орадан бироз ўтиб (24 апрель) таҳририятимизга Б.Юсуповдан вазирнинг жавоб хатини эълон қилгани миз учун раддия бериш сўралган талабнома келиб тушди. Унда ёзилишича, вазирлик мақола асос қилиб, унинг фаолиятини ўрганишдан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздириб олган. Собик директорнинг маълум қилишича, у аввалдан сени албатта бўшатаман, деб у билан қасдлашиб кўриб юрган экан.

Бу ҳам майли. Яқинда у «Сурхон тонги» газетасининг шу йил 25 апрель сонини собик ходимларига кўрсатиб, ишдан бўшатаманлигини исботламоқчи бўлган. Дарҳақиқат, вилоят газетасида чоп этилган «Пешқадамлик сирлари» сарлавҳали мақолада туман халқ таълими соҳасидаги ютуқларни сарнақан, муаллиф шундай дейди: «Биз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш бўлими билан танишимизда, бўлими мудири Бахтиёр Юсупов билан суҳбатлашиб, олиб борилаётган ишлар қўли билан танишимизда, Аниқлашимизча, бу маълумотлар Б.Юсупов лавозимда пайтида олинган, мақола чоп этилганда эса у лавозимда эмас эди. Лекин собик раҳбар шунч била туриб, мақолани рўқач қилиб, бошқаларни чалғитишга уринмоқ-

Бирок Б.Юсупов ўзини ҳамон мудири ҳисоблаётгани, вазирлик хатини тан олмасдан унинг ҳақиқат экан. Масалан, вазирлик жавоби газетамизда эълон қилингандан сўнг ҳам у ҳеч нарса бўлмагандек ишга келиб-кетиб юрган. Ҳатто 17 апрель куни 1-сонли мактабда ўтказилган туман таълим муассасалари раҳбарлари йиғилиши унинг ўзи олиб борган. Ушбу тадбирда газетада чоп қилинган хабар асосизлигини, ўзи ҳозир ҳам мудири эканлигини бот-бот тақдорлаган. Унда иштирок этганларнинг айтиши буйича, вазирликдагилар ёлгон маълумот берганигини, уни ҳеч ким ишдан ололмастлигини таъкидлаб, газета нима ёзса ёзаверсин, вазирлик нима деса деяверсин, мен бағриб сизлар учун мудирилик қабилдаги гапларни айтган. Ҳатто эртаси куни ходимлар орқали 59-сонли мактаб директори, олий тоифали ўқитувчи Раъно Тошмуродовадан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздириб олган. Собик директорнинг маълум қилишича, у аввалдан сени албатта бўшатаман, деб у билан қасдлашиб кўриб юрган экан.

Бу ҳам майли. Яқинда у «Сурхон тонги» газетасининг шу йил 25 апрель сонини собик ходимларига кўрсатиб, ишдан бўшатаманлигини исботламоқчи бўлган. Дарҳақиқат, вилоят газетасида чоп этилган «Пешқадамлик сирлари» сарлавҳали мақолада туман халқ таълими соҳасидаги ютуқларни сарнақан, муаллиф шундай дейди: «Биз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш бўлими билан танишимизда, бўлими мудири Бахтиёр Юсупов билан суҳбатлашиб, олиб борилаётган ишлар қўли билан танишимизда, Аниқлашимизча, бу маълумотлар Б.Юсупов лавозимда пайтида олинган, мақола чоп этилганда эса у лавозимда эмас эди. Лекин собик раҳбар шунч била туриб, мақолани рўқач қилиб, бошқаларни чалғитишга уринмоқ-

да. Б.Юсуповнинг юқоридаги хатти-ҳаракатларининг ўзиёқ унинг таълим тизими раҳбари каби маъсулияти лавозимга лойиқ-лойиқмаслиги ҳақида етарли тушунча беради, деб ўйлаймиз.

Ўзини айбисиз қилиб кўрсатмоқчи бўлаётган, ҳатто вазирлик хулосасини тан олишдан истамай, раддия талаб қилаётган Б.Юсупов шахсига дахлдор яна иккита мисол келтирмоқчимиз. Олтинсой туманидаги «Баркамол авлод» болалик маркази директори лавозимига берилган номзодлар орасида Абдиназар Исमतов номзоди Халқ таълими вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, муносиб топилди. Вазирликнинг 2011 йил 24 майдаги хат билан бу ҳақда вилоят бошқармасига маълум қилинади. Вилоят ХТБ раҳбари томонидан уни лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқарилиши арасида қизик воқеа рўй беради. Бошқармага 2011 йил 9 июнь санаси билан А.Исमतов номидан билдириш хати келиб тушади. Унда бошқарма маркази директори лавозимига ўзининг оилавий шароити ва соғлиги тўғри келмаслиги сабабли ишлаш олмаслиги маълум қилинган. Натжижада «Баркамол авлод» бошқарма маркази раҳбарлигига бошқа одам тайинланади.

Бироз ўтган эса А.Исमतов бундай мазмундаги билдириш ёзмалиги билан у ва сохта эканлиги маълум бўлди. Тергов органи сохтакорликда мудири айблади: «... Юсупов Бахтиёр Пайзиевич... қалбаки билдириш хатини тайёрлаб, шу қалбаки билдириш хатини конвертга солиб, ўзининг +99893 7926611 уяли телефон рақамидан 2011 йил 9 июнь куни вилоят ХТБнинг кадрлар бўлими бошлиғи Мустафақулов Шухратнинг +998767306901 рақамли уяли телефонига кўнгирик қилиб Исमतов Абдиназарнинг номидан ёзилган қалбаки билдириш хатини юбориб, қасддан жиноят содир этган...».

Туман прокурори ушбу иш юзасидан шахсининг айбилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида судга илтимоснома киритди. Жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судининг 2012 йил 4 июлдаги ажримини Бахтиёр Юсуповга нисбатан қўзғатилган жиноят иши амнистия тугайли тугатилди. Амнистия, биласиз, афв, кечирим дегани, тўғри йўлга қайтиш учун берилган имконият дегани. У фақат айбланувчининг розилиги билан қўлланилади.

Бу ҳолат туманда ва вилоятда анча-мунча овоза бўлишига қарамастан Б.Юсупов лавозимига ишлашда давом этди. Бу сохта хатни уюштиришдан хусусий манфаат ёки гадр бор-йўқлигига изох бериб ўтириш шарт эмас албатта.

Бироз ўтиб Бахтиёр Юсупов 22-мактаб директорлигига кадр танлашда ҳам бутун бир жамоани бир неча ой овера қилди. Директор вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб турган, жамоа билан тил топишган ўқитувчи ўрнига бошқа кадр қўйилди. У яна ўзгарди, хуллас, ярим йил мактабдаги муҳит издан чиқди. Яна озроқ вақтдан сўнг Б.Юсуповнинг ахлоқи ҳақида миш-мишлар тарқалди: бир қиз унинг устидан тегишли идорага ариза ёзибди.

Вилоят муҳбиримиз ўша қиз билан биринчи марта учрашганда «ҳозир касалман, бир ҳафтадан кейин гаплашайлик» деган. Кейинги суҳбатда «Ўзимдан ўтганини ўзим билман. Нима бўлса, бўлди. Аралашманглар», деб илтимос қилган. Орадан кўп ўтмай қизнинг ўзи таҳририятга шикоят ёзиб, алдангани ва ҳўрланганини баён қилди ва ўз хатига Б.Юсуповнинг тумандаги минглаб ўқитувчилар ва ёшларнинг бош устози бўлишига маънавий ҳаққи борми, деган саволни қўйган.

Бу қизнинг даъволари қанчалик асосли ёки асосизли-

гига тегишли идоралар ҳуқуқи баҳо беради, деб ўйлаймиз. Аммо туман таълими соҳасига раҳбарлик қилишга ҳаққи бор-йўқлиги тўғрисида, аввало, Б.Юсуповнинг ўзи жавоб излаши керак эди. Ваҳоланки, у ишдан озод қилингандан сўнг ҳам амал курсисига жон ҳолатда ёпишмоқда. Эслатамиз, гап оддий ташкилот ёки корхона бошлиғи ҳақида эмас, туман таълим раҳбари тўғрисида кетаяпти... Гап маънавий ҳақ, маънан муносиблик ҳусусида бормоқда...

Биз ушбу мақолани тайёрлаш ва чоп этишдан олдин кўплаб мулоҳазалар бордик. Вазирлик жавоби билан чекланди кўя қолишни лозим топган эдик. Аммо Б.Юсупов ҳеч қандай асосиз равишда биздан раддия талаб қилди. Ишдан бўшатишга бўлса-да ҳам касбларини чалғитиб, «мени ҳеч ким бўшатамаган» деб ёлгон гаплар тарқатмоқда. «Сурхон тонги»ни кўрсатиб, одамларни иккилантиришга ҳаракат қилаяпти. Агар бу воқеалар бошқа бир соҳада рўй берганида эҳтимол ёзиб ўтириш шарт эмасди.

Мактаб — дунёдаги энг улғун иморат, ўқитувчи — энг мўтабар ва энг юксак ҳурматга сазовор касб эгаси. Шу боис биз мактабни муқаддас даргоҳ сифатида эъзозлаймиз, устозларга ҳурматли кечисиз. Дарҳақиқат, таълим соҳаси жуда маъсулияти ва муҳаддас соҳа. Унга раҳбарлик қилиш ёшларга — келажак авлодга, ўқитувчи-устозларга раҳбарликдир, маъсуллиқдир. Бошқача айтганда, нафақат ўқитувчи-мураббийлар, балки минглаб бошқар тақдирини, маънавияти ҳам ана шу раҳбарнинг кимлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу лавозимга ўта ҳалол ва фидойи, маънавий юксак инсонлар муносиб қўрилиши зарур, деб ўйлаймиз. Бизнингча ушбу лавозимда ишлаш учун лаёқат ва малакадан ташқари қизнинг маънавий ҳаққи ҳам бўлиши талаб этилади.

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ

Реклама ўрнида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор тараққиётини таъминлашдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда банклар муҳим ўрин тутади.

МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Жорий йилнинг 10-11 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги «Ўз-кўргазмасавдомаркази»да бўлиб ўтган «BANKEPO — 2013» миллий кўргазмаси ҳам айнан мана шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, унда «Агробанк» ОАТБ ҳам фаол иштирок этди. Кўргазма жараёнида банк томонидан яратилаётган қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар, қулай ва даромадли омонатлар, манфаатли кредит линиялари намойиш этилди. Кўргазма доирасида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида 8 та номинацияга бўйича танлов эълон қилинди.

Кўргазманинг биринчи кунидан Агробанк миқозлари орасида турли номинацияларда голиб деб топилган тадбиркорларга имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва эсдалик совғалари топширилди. Бу банк ва миқоз ўртасидаги ишончнинг ортаётганидан далолатдир.

Айтиб ўтиш жоизки, тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватлаш тармоқлари, жумладан, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, коллеж битирувчилари ва аёллар тадбиркорлиги, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари доимий молиявий қўллаб-қувватлаш келинаётгани бугун ўз натижасини бериб, худудларда ишлаб чиқариш, сервис соҳалари жадал ривожланмоқда, махсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, аҳолининг иш билан бандлиги таъминланмоқда.

Шубҳасиз, бу жараёнда республикамизнинг энг йirik банкларидан бири саналаётган «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг ҳам ўз ўрни бор. Банкнинг Наманган вилоят бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, ажратилаётган кредитлар ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Бугунги кунда «Агробанк» ОАТБ Наманган вилоят бошқармасининг 13 та филиали ва 32 та минибанки ҳамда 27 та махсус кассалари 9 мингдан зиёд юридик, 250 мингга яқин жисмоний шахсларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Банк 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 9,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратди. Бунинг эвазига вилоятда қўшимча 400 дан ортик янги иш ўринлари барпо этилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда вилоят бошқармаси миқозлари орасида иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида

фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларини учратиш мумкин. Бошқарма ва унинг филиаллари ходимлари томонидан миқозларга тезкор молия-банк хизматлари кўрсатиламоқда.

«Агробанк» ОАТБ Наманган вилоят бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан вилоят аҳолисининг озиқ-овқат ва ноозик-овқат махсулотларига бўйича эҳтиёжини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун жорий йилда 2,3 млрд. сўм ҳамда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга эса 1,6 млрд. сўм миқдорда қисқа ва узок мuddатли кредитлар ажратилди.

Вилоятда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2013 йил I-чораги якунига кўра, 114 нафар тадбиркор аёлга 1 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилган бўлиб, бунинг натижасида 123 та янги иш ўринлари яратилди. Шу ўринда айрим мисолларга ўрижаёт эсак.

— Тиббиёт ускуналарини сотиб олиш ва қўшимча бино қуриш учун кредит сўраб Агробанкнинг Чуст филиалига мурожаат қилганда, — дейди «Шаҳризода шифо сервис» хусусий корхонаси раҳбари Милоҳат Моҳоновна. — Банк томонидан лойиҳамиз маъқулланди, бизга 57 млн. сўм миқдорда узок мuddатли, имтиёзли кредит ажратилди. Олинган кредит эвазига фаолиятимизни кенгайтиришга эришдик. Қўшимча янги иш ўринлари очилди.

Банкнинг Ўйчи филиали миқозовига элита пардалар тикиш ҳамда дастгоҳ ва хомашё сотиб олиш учун узок мuddатли кредит берилди. Тадбиркорга ажратилган кредит қисмига яна 9 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Банк жамоаси доимо миқозлар манфаатига мос ва ишончли хизмат турларини кўпайтириб, юрт ободлиги ва турмушимиз фаровонлиғига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга тайёр.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Эълон

«TASHKENT REALTOR SERVICE»

масъулияти чекланган жамияти

ТТМЗ «Мева-Сабзавот» МЧЖ аукцион комиссиясининг 13.05.2013 йилдаги №02 сонли йиғилиш қарорига асосан белгиланган тақрирӣ савдо кунига қадар бирорта ҳам талабдорлардан буюртманомалар тушмаганлиги сабабли Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Эски қовунчи» ҚФЙ, Ўразов кўчаси, 2-уй манзилда жойлашган, бошланғич баҳоси 779 915 354 сўм бўлган ТТМЗ «Мева-Сабзавот» МЧЖ мулкӣ мажмуаси сотилиши бўйича тақрирӣ очик аукцион савдоси 2013 йилнинг 23 май кунӣ соат 15.00 га қўчирилганлигини ва ушбу объект учун буюртманомалар 22.05.2013 йил соат 18.00 гача қабул қилинишини маълум қилади.

Қўшимча маълумотларни rectorservice@mail.ru, 147-40-00, 232-10-78 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган №-RR-0008.

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги «GRADUS MONTAJ» МЧЖ корхонаси (ИНН 302258389) низоом жағғармаси 100 000 000 (бир юз миллион) сўмдан 60 000 000 (олтмиш миллион) сўмга камай-тирилганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

МУСОБАҚА ЯҚИН, ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН



Айни кунларда Қашқадарё вилояти терма жамоаси ҳам Бухорода бўлиб ўтадиган мамлакатимиз ёшларнинг улкан спорт байрами — «Универсиада — 2013»да муносиб иштирок этиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда.

— Вилоятимизда учта олий ўқув юрти мавжуд, — дейди Қарши давлат университети маънавият ва тарбиявий ишлар бўйича проrektори Амин Маллаев. — Бухорода бўладиган «Универсиада — 2013» мусобақаларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладиган ёшлар ана шу олий таълим муассасалари талабалари орасидан саралаб олинди. Дастлаб ўн икки спорт тури бўйича бахслар факультетларо ташкил этилган бўлса, сўнгра иккинчи босқичда олий ўқув юртлири ўртада мусобақалар уюштирилади. Голиб ва совриндорлар орасидан вилоят терма жамоаси шакллантирилади.

Яқинда «Универсиада — 2013» мусобақалари дастуридан жой олган футбол, кўл тўпи, волейбол ҳамда баскетбол сингари жамоавий спорт турлари бўйича минтақавий бахслар Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Унда мезбонлардан ташқари, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари терма жамоалари ўзаро куч синашди. Мусобақа низомига кўра, голибликни кўлга киритган жамоалар финал босқичи йўлланмалари билан тақдирланди. Жумладан, унда футбол, кўл тўпи (қизлар ва йигитлар) учрашувларида мезбонлар энг кучли деб топилган бўлса, баскетбол ва волейбол бахсларида омад бухороликлар

роф этилмоқда. Жумладан, шу кунларда кураш бўйича Давлат Абраев (66 кг), Рустам Саидов (90 кг), Абдор Бердиқулов (100 кг), Мухриддин Бўтаев (+100 кг), дзюдо беллашувларида Раҳим Шеров (66 кг), Бекзод Дўстов (73 кг) каби мамлакат чемпиони ва халқаро турнирлар голиблари Бухорода ҳам ўзларини кўрсатиш учун жиддий тайёргарлик кўришаётди.

— «Универсиада — 2013» мусобақаларида шохмат бўйича қатнашган, — дейди Қарши давлат университети амалий математика факультети 4-босқич талабаси Акмал Файзуллаев. — Бундан уч йил илгари Андижондан 2:0 ҳисобда устун келдик.

Қашқадарёлик талаба-ёшлар мусобақанинг кураш, белбоғли кураш, теннис, шохмат каби турлари бўйича ҳам голибликка асосий даъвогарлар қаторида эти-

роф этилмоқда. Жумладан, шу кунларда кураш бўйича Давлат Абраев (66 кг), Рустам Саидов (90 кг), Абдор Бердиқулов (100 кг), Мухриддин Бўтаев (+100 кг), дзюдо беллашувларида Раҳим Шеров (66 кг), Бекзод Дўстов (73 кг) каби мамлакат чемпиони ва халқаро турнирлар голиблари Бухорода ҳам ўзларини кўрсатиш учун жиддий тайёргарлик кўришаётди.

— «Универсиада — 2013» мусобақаларида шохмат бўйича қатнашган, — дейди Қарши давлат университети амалий математика факультети 4-босқич талабаси Акмал Файзуллаев. — Бундан уч йил илгари Андижондан 2:0 ҳисобда устун келдик.

Қашқадарёлик талаба-ёшлар мусобақанинг кураш, белбоғли кураш, теннис, шохмат каби турлари бўйича ҳам голибликка асосий даъвогарлар қаторида эти-

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жасорат унутилмайди

ХОТИРАСИ ДИЛЛАРДА МАНГУ

Хар сафар «Мотамсаро она» ҳайкалига нигоҳимиз тушганда, юрагимиз бир ҳаққириб кетади. Ўз жигаргўшасидан айрилиб, чуқур қайғуга ботган она сиймосидаги гам-ғусса беихтиёр руҳиятимизни қамраб олади. Бу ҳайкал Иккинчи жаҳон урушида ўз фарзандларидан ажралган бағрикён оналарга қўйилган ёдгорлик.

Уруш — бу уруш. Ҳеч кимга шафқат қилмайди. Аммо бугунги тинчлик даврида ҳам юртимизда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мустақиллигимизни ҳимоя қилишга бел боғлаган террорчи унсурлар, хавфли жиноятчиларни курашга қўлдан келтириш, қўлга олишда ҳалок бўлганлар бор.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлаш ва таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальони милиционерлари, катта сержант Иброҳим Норметов Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилиб, ўсган, жасур ва мард йигит эди.

Уша тонгда содир бўлган воқеани хизматдошлари яхши эслашади. У хизмат постига тайинланиб, хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликни олдини олишдек юксак масъулиятли вазифага киришади. Тахминан соат 10:15 ларда у-

рация орқали Тошкент шаҳрида жойлашган элчи-хоналардан бири олдида кўпорувчилик ҳаракатлари содир этилиши мумкинлиги ҳақида хабар берилди. Шу вақт Иброҳим Норметов элчи-хонанинг асосий кириш жойи томон номаълум шахс келаётганини кўриб, уни тўхташ мақсадида қаршисига чиқди... Бироқ шу пайт портлагич белбоғ боғлаб олган номаълум шахс ўзини портлатиб юборди. Натияжада, Иброҳим Норметов ва унинг ёнида бўлган ҳамкасби Ихтиёр Ҳақимов ҳалок бўлди.

Бу жудодик унинг оиласи учун жуда оғир кечди. «У элу юрт осойишталиги йўлида жон фидо қилди, умри зое кетмади», деган туйғугина яқинлари қалбларига далда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосан катта сержант И.Норметов ва сафдор И.Ҳақимов «Жасорат» медали билан мукофотланди.



Иброҳим НОРМЕТОВ



Ихтиёр ҲАКИМОВ

ларнинг номи ва порлоқ хотираси асло унутилмайди. Уларнинг Ватан равнақи йўлидаги жасорати, кўрсатган мардликлари тилларда, дилларда мангу яшайди.

Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

Реклама

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йил дастури асосида қўйидаги объектларнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказишнинг эълон қиладиган

Лот 1-1. Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги «Работ» ҚФЙ «Миркоракўз» маҳалласида 2010 йил дастури асосида янгидан қурилган яшаш уйлари қошида узунлиги 1,094 км бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 233,814 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 194,845 млн.сўм, қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 1-2. Сурхондарё вилояти, Жаркўрғон туманидаги Оқтепа массивида 2010 йил дастури асосида янгидан қурилган яшаш уйлари қошида ички автомобиль йўллари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 243,547 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 202,956 млн.сўм, қурилиш муддати — 150 кун.

Лот 1-3. Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги «Чеп» ҚФЙ «Ипак» маҳалласида 2010 йил дастури асосида янгидан қурилган яшаш уйлари қошида узунлиги 0,725 км бўлган ички автомобиль йўллари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 106,142 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 88,452 млн.сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Лот 1-4. Сурхондарё вилояти, Сарийосё туманидаги «Хуфар» ҚФЙ Наврўз маҳалласида 2010 йил дастури асосида янгидан қурилган яшаш уйлари қошида ички автомобиль йўллари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 136,746 млн.сўм,

қўшилган қиймат солиғисиз — 113,955 млн.сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 1-5. Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги «А.Сафаров» ҚФЙ «Ёшгайрат» массивида 2010 йил дастури асосида янгидан қурилган яшаш уйлари қошида ички автомобиль йўллари қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 143,740 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 119,783 млн.сўм, қурилиш муддати — 180 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, 222-49-80, 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш вилоят маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қиливчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.



ХАЛҚ БАНКИ

«Обод турмуш йили» муносабати билан
Давлат-тижорат Халқ банки миллий валютадаги қўйидаги
муддатли янги омонат турларини тақлиф этади:

«ОБОД ТУРМУШ»

- сақлаш муддати — 6, 9, 12 ой;
- бадал миқдори — чекланмаган;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади;
- янги турмуш қурган оилаларга имтиёз сифатида қўшимча равишда 2 фоиз миқдоридида даромад тўланади.

«МУСТАҲҚАМ ОИЛА»

- сақлаш муддати — 1 йил;
- бадал миқдори — камида 100 минг сўм;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

«НАВРЎЗИНГ МУБОРАК»

- сақлаш муддати — 3, 6, 9 ой;
- бадал миқдори — камида 100 минг сўм;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

«ОИЛА МАҲФААТИ»

- сақлаш муддати — 1, 3, 5 йил;
- бадал миқдори — чекланмаган;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилмайди;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра биринчи талаби бўйича ҳар ойда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси, 100096, Тошкент ш., Қатортол кўч. 46
Маълумот учун телефон: (998 71) 200-00-55

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: **Сафар ОСТОНОВ**

ТАҲРИР НАҲ'АТИ:

| | | |
|---------------------|----------------------|-------------------------------|
| Abdulla ORIPOV | Murodilla ABDULLAYEV | Saidahmad RAHIMOV |
| Hotamjon KETMONOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Farruh HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | Muslihidin | (Bosh muharrir 1-o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV | MUHIDDINOV | Tat'yana KISTANOVA |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Ochilboy RAMATOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) |

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoahtchilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
Kochasi, 32-uy.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
16380
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.10
Toshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5